



# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



# АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 30 (1094)

2016-yil, 22-iyul, juma

## Долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

### ➤ ПАРЛАМЕНТДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент куйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар олдидан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иш-

тирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Парламент аъзолари ўз ишларини янги таҳрирдаги "Ҳайвотот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этишдан бошладилар.



## ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАШ — ЭНГ БУЮК БАХТ

Пойтахтимизда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида август-сентябрь ойларида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари рўйибаги хизмат қилаётгани, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва

маънавий етуқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилаётганини таъкидлади. Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга

Президентимиз томонидан қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини қайд этиб, спорт оламининг нуфузли мусобақалари — XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида спортчиларимизга муваффақият тилади.

Мустақиллигимиз шарофати билан спортчилари-

## Ким эдигу ким бўлди!

### Мустақиллик:

#### эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш имкониятлари

Шу кунларда юртимиз бўйлаб Ватанимизнинг кўп асрлик ва мураккаб тарихида мутлақо янги давр — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган эркин ва кучли, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини очиб берган, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган, фаровон турмуш ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуришдек беқиёс имкониятини яратган буюқ тарихий воқеа — мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш борасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Истиклол йиллари ҳақида гапирганда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш масалалари, унинг демократик тамойиллари Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк давридаёқ назарий ва концептуал жиҳатлардан ҳар томонлама асослаб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Юртбошимизнинг "Демократия — бу, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бизнинг йўлимиздир", "Миллатимиз равангага фақатгина фуқаролик жамияти шароитидагина эришамиз" деган қатъий позициялари ва чақириқлари, "Кучли давлатдан — кучли фуқаро-

лик жамияти сари", "Янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг", "Ислохотлар ислохот учун эмас, аввало инсон учун" каби тамойиллар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларини, асосий йўналишларини аниқлаб берди.

Айниқса, 2010 йил ноябрь ойида Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" моҳият эътибори билан Ўзбекистон яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегиясига айланди.

## Ўсимлик дунёси ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОФАЗАСИДА БЎЛСИН

"Адолат" СДП фракцияси бу борада ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга

### ➤ ФРАКЦИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

Парламент куйи палатасида "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида сиёсий партиялар фракциялари ўртасида позициялар торттишувлар ва баҳс-мунозаралар кузатилмоқда.



### ➤ ДАВРА СУҲБАТИ

Шовот туманидаги "Shovot Tekstil" МЧЖ кўшма корхонасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони. Адолат — ҳар бир инсон учун" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## Адолат — ҳар бир инсон учун

Партия фаоллари, ижодкорлар, ОАВ вакиллари ҳамда корхона ишчи-хизматчилари иштирок этган тадбирни "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари Раҳимбой Латипов кириш сўзи билан очар экан, мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олишда вилоят партия ташкилоти амалга ошираётган ишлар ҳақида тўхтади. Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз раванга учун ҳалол хизмат қиладиган, уни қўз каровчидай асрайдиган баркамол авлодни тарбиялашга барчамиз бирдек масъул эканлигини қайд қилди. Шoir ва драматург, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Куронбой Матризаевнинг "Ватан", "Истиклолим", "Жоним фидо бўлсин, Ўзбекистоним", "Соғлом бўлса

она" каби шеърлари иштирокчиларга кўтаринкилик бағишлади. Тадбир сўнггида янги сафдошларимизга партияга аъзолик билети ва эсдалик совғалари топширилди. Шу куни "Shovot Tekstil" кўшма корхонаси қошида йигирма бир нафар сафдошимизни бирлаштирган янги БПТ ташкил этилди.

— Янги тузилган бошланғич партия ташкилотимиз сафини фаол аъзолар ҳисобига келгайтиришга интиламиз, — дейди "Shovot Tekstil" МЧЖ кўшма корхонаси ишчиси, БПТ раиси Малоҳат Пирметова. — Партияимизнинг мақсад-вазифаларини рўйибаги чикаришга, мустақиллигимизнинг 25 йиллигини катта шодона билан кутиб олишга ўз хиссамизни қўшамиз.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**  
Хоразм вилоят кенгаши  
матбуот котиби

# ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУФЛАШ — ЭНГ БУЮК БАХТ

Давом. Бошланчи 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ташаббус билан спортнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш, соҳанинг ривожланиши учун халқаро стандартлар талаблари даражасида асос яратиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнашмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олимпия ҳаракати кенг тус олди. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли спорт ўйинлари мунтазам ташкил этилмоқда. “Кичик Олимпиада” мақоми олган бу мусобақалар бугун минглаб спортсевар ёшларнинг иқтидор маҳоратини юзага чиқариб, уларнинг жаҳон спорт ареналарига чиқишида катта парвоз майдонига айланди.

Президентимизнинг ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмади, деган сўзларнинг исботини юксак мақсадлар сари қурашадиган, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқаётганида, уларнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб катнашиб, юксак ғалабаларни қўлга киритаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз спортчилари Рио-де-Жанейро шахрида ўта-



рилмоқда. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчи ва мураббийларига стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низо тасдиқланиб, спортчи ва мураббийлар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон спортчиларини тиббий-биологик хизмат ва спорт психологияси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилди. Спортчиларимиз мамлакатимиз ва хоржидда ташкил этилган ўқув-масъулот йиғинларида иштирок этиб, тажриба ва маҳоратини оширди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва ви-

Олимпия ўйинларида спортчиларимиз академик эшак эшиш, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол теннис, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, тремплайн, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича бахслашади. Улар орасида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари голиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк мартаба иштирок этадиган ёш спортчилар ҳам кўпчилиги мамлакатимиз спорт салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Бу йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинлари Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ташкил этилаётгани ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга. Зеро, истиқлолимиз туфайли истеъдоду салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган, жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб юксак ғалабаларни тантана қиладиган спортчилар етишиб чиқаётганидан фахрланамиз.

Спортчиларимиз бу йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида “Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган шiori қалбига жо қилиб, бўлажак беллашувларда юксак натижаларни қўлга киритишга ва энг улуг, энг азиз байрамимизга муносиб тухфа билан қайтишга аҳд қилган.

Мени Президентимиз асос солган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимни юзага чиқарди. Биз Бразилияга йўл олар эканмиз дилимизда ҳам, тилимизда ҳам “Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган шior билан курашга киришамиз, — дейди бокс бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Мелиқўзиев. — 2015 йилда Оксаройда “Шухрат” медалини топшираётганларида Президентимиз мени бағрига босиб, «Сен Олимпиададан албатта чемпион бўлиб қелишинг керак!» дея юксак ишонч билдирдилар. Юртбошимизнинг бу сўзлари юрагимдан мустахкам ўрин олган. Олимпия ўйинларидан албатта чемпион бўлиб, Ватанимга ёруз юз билан қайтаман.

— Лондонда ўтган Олимпия ўйинларида бронза медални қўлга киритганимдан кейин Президентимиз мени “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирлаганида, бу юксак муқофот мен учун олтин медалдан ҳам қадрироқ эканини ҳис қилдим, — дейди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, икки карра Олимпия ўйинлари соврин-

дори Ришод Собиров. — Мен Рио-де-Жанейро шахрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиадада “Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” дея беллашувларга киришаман ва Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлайман!

— Хар бир спортчимиз каби мен ҳам жаҳон майдонларида она Ватанимиз — Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш имконига истиқлол шарофати билан эришганимни чуқур ҳис қиламан, — дейди таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. — Мен мана шундай юрда туғилиб, вояга етганимдан, спорт билан шуғулланиб, жаҳон спорт ареналарида Ватан шаъни учун беллашувларга кириш бахтига муяссар бўлаётганимдан фахрланаман. Жаҳон чем-

пионатида қўлга киритган олтин медалимни Олимпия ўйинларида ҳам такрорлашни мақсад қилганман. Чунки “Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шiori қалбимдан мустахкам жой олган. У менга куч-қувват беради.



пионатида қўлга киритган олтин медалимни Олимпия ўйинларида ҳам такрорлашни мақсад қилганман. Чунки “Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шiori қалбимдан мустахкам жой олган. У менга куч-қувват беради.

— Мамлакатимизда спортнинг кизларга хос турлари, жумладан, бадий гимнастика ва ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ва рағбат билан қўллаб-қувватланаётганини кўришамиз, — дейди бокс бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Мелиқўзиев. — 2015 йилда Оксаройда “Шухрат” медалини топшираётганларида Президентимиз мени бағрига босиб, «Сен Олимпиададан албатта чемпион бўлиб қелишинг керак!» дея юксак ишонч билдирдилар. Юртбошимизнинг бу сўзлари юрагимдан мустахкам ўрин олган. Олимпия ўйинларидан албатта чемпион бўлиб, Ватанимга ёруз юз билан қайтаман.

— Лондонда ўтган Олимпия ўйинларида бронза медални қўлга киритганимдан кейин Президентимиз мени “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирлаганида, бу юксак муқофот мен учун олтин медалдан ҳам қадрироқ эканини ҳис қилдим, — дейди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, икки карра Олимпия ўйинлари соврин-

дори Ришод Собиров. — Мен Рио-де-Жанейро шахрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиадада “Ўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” дея беллашувларга киришаман ва Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлайман!



гулик монументи, Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гул қўйди.

— Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш асносида халқаро майдонларда эришяётган барча ютуқларимиз истиқлол туфайли эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик ва ушбу муаззам майдонда туриб Олимпиададан ёруз юз билан қайтишни мақсад қилдик. Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мени бағрига босиб, Олимпия ўйинларида чемпион бўлишимга ишонч билдирди. Президентимизнинг ишончи менга далда бўлади! — дейди бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Жалолов. — Олимпия ўйинларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб чиқиш менга топширилган фахрланаман. Президентимиз томонидан спортчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва рағбат билан жавобан Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришиш учун барча куч ва салоҳиятимизни ишга солишим.

— Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия ўйинларида жонажон Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни янгра-тиш биз, спортчилар учун юксак шарафдир, — дейди юнон-

## 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Қасби туман тиббиёт бирлашмасида Ўзбекистон “Адолат” СДП туман кенгаши ва “Қамолот” ЁИХ ҳамкорлигида “Эл соғлиғи — юрт бойлиғи” мавзусида тадбир ташкил этилди. Партиянинг “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида уюштирилган ушбу тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, тиббиёт ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

## Тиббий хизмат сифати ошмоқда

— Мамлакатимизда фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари замон талабларига мувофиқ йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, — деди халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Аббос Ҳасанов. — Бунинг натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошди, юқумли ва вирусли касалликларнинг олди олинди, аҳоли саломатлигини кўз қорачиғидек асраш, ёш авлоднинг хар томонлама баркамол ўсиб-улайишига замин яратилди.

— Туманимизда истиқомат қилаётган 181 минг 100 нафар аҳолига 26 та кишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсатмоқда, — деди туман партия кенгаши раиси Бобур Юсупов. — Жами 40 та маҳаллада умргузаронлик қилаётган аҳолининг ҳозиргача 42,2 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди. Биз бу каби тарбиёт тадбирларимизни туманимиздаги “Жизза”, “Оққангал”, “Тал-лиолғун” маҳаллалари, “Қорақўнғирот”, “Муғлон”, “Қатаргон” кишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказдик. Мақсадимиз қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини аҳоли орасида кенг тарбиёт этиш билан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлашга ҳисса қўшишдан иборат.

Тадбир иштирокчилари “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастуридан келиб чиқиб, партия фаоллари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини яхшилашга доир чора-тадбирларни янада кучайтириши лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

Поликлиника бош шифокори Эркин Бозоровнинг “Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари”, “Қамолот” ЁИХ мутахассиси Ситора Баҳриеванинг “Саломатлигимизнинг ҳуқуқий қафолати”, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Сиддин Ашуровнинг “Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари” мавзусидаги маърузалари ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Комил САХАТОВ, «Adolat» мухбири

## Депутат сайловчилар ҳузурида

### УЧРАШУВ

Халқ депутатлари Фаллаорол туман Кенгаши депутати Дилфуза Одилова тумандаги “Тозауруғ” кишлоқ фуқаролар йиғинида сайловчилар билан учрашди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП туман кенгаши фаоллари иштирок этган маъмур тадбирида мустақиллигимизнинг йиғирма беш йиллик байрамини кўтаринки руҳда қутиб олиш мақсадида ўтказилаётган маънавий-маърифий ва маданий тадбирларнинг аҳамияти, ҳудудда ободонлаштириш ишларини ташкил қилиб бориш ҳақида фикр-мулоҳаза юритилди. Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, туман ҳаёти мисолида таҳлил этилди. Шу билан бирга, иштирокчилар дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тўхталиб, мафқуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, тинчликни қадрлаш ҳаётини зарурат эканини таъкидладилар.

Учрашувда кишлоқ аҳолисининг яшаш тарзини янада яхшилаш, ёшларнинг билим олиши ва касб-ҳунар эгалари бўлиб етишиши, маҳалла ҳудудида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини сақлаш борасида мутаассадди ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар ҳусусида алоҳида кайд этиб ўтилди.

— Депутат билан ҳамкорлик яши йўлга қўйилган, бу каби учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда, — дейди “Тозауруғ” кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Фулом Ғайбуллаев. — Бу аса мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш имконини берапти.

Тадбир давомида Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят ва туман ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, партиямизнинг дастурий роълари ва уларни рўёбга чиқаришда депутатлар қандай ўрин тутаётгани ҳусусида ҳам маълумот берилди.

Очик мулоқотларга бой учрашувда сайловчилардан Абдуғаффор Эргашев, Донабой Суяров, Нигора Алибова, Гулчехра Ўрозбоевалар кишлоқ ҳудудида янги иш ўринларини яратиш учун ишлаб чиқариш корхонаси куриш, аҳоли учун маийий хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўпайтириш, замонавий типдаги мактабга таълим муассасаси ҳамда маҳалла гузару куриш каби масалалар юзасидан тегишли тақлифлар ва мулоҳазаларни билдиришди. Депутат ушбу тақлифларни ўрганиши ва масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боришини таъкидлади.

Ўзқобей РИСКҲУЛОВ  
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби



диган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этиши бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шахрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори спортчиларимизни ушбу нуфузли спорт анжуманларига пухта, босқичма-босқич тайёрлаб боришга муҳим дастурий-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Олимпия ўйинларида йўлланмаларни қўлга киритиш ва ушбу мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш имконияти юқори бўлган истиқболли спорт турлари аниқланиб, улар бўйича федерацияларнинг фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси доирасида 2013 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпия маданиятларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Жамғарма маблағлари республика спорт федерацияларининг моддий-техник базасини янада мустахкамлашга йўналти-

лоятлар марказларида, Тошкент шахрида Олий маҳорат спорт мактаблари барпо этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори спорт ҳам жадал ривожланаётганини алоҳида кайд этди. Сўзга чиққан спортчиларимиз Олимпия ўйинларида ўзларнинг маҳоратини намойиш этиб, юксак ғалабалар билан қайтишга ваъда бердилар. Бу ғалабалар мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига муносиб тухфа бўлаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шахрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрларлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори спортчиларимизнинг маъмур нуфузли мусобақаларда муносиб катнашишини таъминлашга хизмат қилади.

Агар, 2012 йили бўлиб ўтган Лондондаги мусобақаларда 63 спортчимиз иштирок этган бўлса, бу йилги ўйинларда 100 га яқин спортчимиз катнашиши кейинги тўрт йил ичида профессионал спортимиз шиддат билан ўсганини яққол кўрсатади.

# Ўсимлик дунёси

## ЖАМОАТЧИЛИК МУХОФАЗАСИДА БЎЛСИН

### “Адолат” СДП фракцияси бу борада ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда»

Таъкидлаш лозимки, бир гуруҳ депутатлар томонидан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган янги тахрирдаги қонун лойиҳаси кўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлари гуруҳи йиғилишларида ҳамда Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда муҳокама этилиб, концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Хусусан, атроф-муҳит инфоляциясининг олдини олиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш партияси Сайловдиди дастурининг асосий йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, ушбу ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида фракциямиз партия электротириқти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, биологик ресурслардан фойдаланиш тартиби ва принципларини соддалаштириш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши учун жисмоний ва юридик шахсларнинг масъулиятини ошириши назарда тутувчи нормаларга алоҳида эътибор қаратади.

Қонун лойиҳасига ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг аниқ йўлларини ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимликларни сақлаб қолишга доир талабларни белгилаш, шунингдек, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишга ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишдаги иштироки тўғрисидаги нормаларни киритиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, аҳолининг экологик маданиятини оширишга, шунингдек, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш борасидаги фаолиятда жамоатчиликнинг иштироки кучайтиришга ҳамда мазкур соҳада адолат тамойилини рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, 2012-2015 йиллар давомида биологик ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун 26,3 минг нафардан ортиқ шахслар, шун-

вўтлар, лишайиниклар ва замбуруғлар), шунингдек, уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ботаника коллекциялари киритилмоқда. Бизнингча, ушбу рўйхатга сув, темир йўл,

депутатлари маҳаллий (виллоят ва унга тенглаштирилган) Кенгашларида муҳокама қилинса, ўсимлик оламида фойдаланишда адолатчилик таъминланади. Депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини тасарруф этишда очиқлик ва ошқораликка эришилди. Бу, ўз навбатида, ишончли ва ҳолис хулоса чиқариш учун хизмат қилади.

Бу ерда гап нафақат муайян ўсимлик турини хорикга олиб чиқишга хулоса бериш ҳақида, балки уни ердан турли усулларда олиш (эксплуатация қилиш) технологиясига риоя қилишни таъминлашга қаратилган. Бинобарин, бундай технологияга риоя қилмаслик ва унинг биологик ҳолатига ноўғай таъсир кўрсатиши оқибатида ноёб ўсимликларнинг йўқолиб кетиш хавфи кучайиб бормоқда ва бу ҳолат кенг жамоатчиликни хавотирга солмоқда. Буни биргина шифобахш қоврак (ферула) ўсимлиги мисолида кўрайдиган бўлсак, уни илдири билан қўприб олиш ҳолатлари кенг кузатишмоқда. Ваҳоланки, ундан фойдаланишда илдири пояси сақлаб қолиш, жойида турган илдирини тилиб кераклик шираси олинган, яна у уч йил давомида ўз ҳолига қилини учун қўприб қўйиш зарур. Акс ҳолда ўсимликнинг қирилиб кетишига сабаб бўлади. Бу каби нозик муносабат талаб қиладиган ноёб ўсимликлар эса мамла-

дари маҳаллий (виллоят ва унга тенглаштирилган) Кенгашларида тасдиқланган хулоса асосида белгиланиши назарда тутиш зарур, деган фикрда. Бу тақдирдан қўзланган мақсад ҳам шундай ўсимликлар билан ёнма-ён яшаётган одамларнинг ҳаётий тажрибасига таянишни, бу борада ҳам жамоатчилик назоратини кучайтиришни таъминлашга қаратилган.

давлат ҳокимияти органларининг қарори” жумласини олиб ташлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Қолаверса, қонун лойиҳасининг 45-моддасида ўсимлик дунёси объектларини кузатиб бориш, уларнинг ҳолати тўғрисида маълумот тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ягона ти-

давлат кўмитаси томонидан ишлаб чиқилиши белгилаб қўйиш керак. Ушбу норманинг киритилиши билан қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Табиий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 28-моддасига мувофиқлаштирилади.

Ўз навбатида, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари доирасига давлат ўрмон фонди ерларида ўсимлик дунёси объектларини кузатиб бориш, уларнинг ҳолати тўғрисида маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиши назарда тутовчи норма киритиш зарурияти мавжуд.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, табиатнинг бир бўлаги сифатида инсоният ва наботот бир-биридан ажралмас тушунча. Инсон ҳаётини яшил оламси тасаввур қилиш қийин. Шу боис, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини янги тахрирдаги лойиҳаси юқорида билдирилган тақлифлар асосида қайта кўриб чиқилиши унинг мукамал бўлишига, таъсирчанлиги ва самардорлигининг ошишига, атроф табиий муҳитга ва ўсимлик дунёсига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни кучайтиришга хизмат қилади.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масаласида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ваколатларини кучайтириш тарафдори.**

дан 66 фоизи ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиб, жарималар миқдори 1,1 миллиард сўмни, етказилган зарарни қоплаш бўйича давволар суммаси 4,025 миллиард сўмни ташкил қилган. Демак, қонунни қўллаш амалиётининг ҳолати, табиий муҳофаза қилиш қонунчилиги бузилиши натижасида республика флорасига етказилаётган зарар қўлланилаётган маъмурий чораларга нисбатан маълум даражада юқорилигидан ва бу амалдаги жазо чораларининг таъсирчанлиги етарли эмаслигидан далолат бермоқда.

Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан биз фуқароларда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг аниқ йўлларини ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимликларни сақлаб қолишга доир талабларни белгилаш, шунингдек, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишга ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишдаги иштироки тўғрисидаги нормаларни киритиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, аҳолининг экологик маданиятини оширишга, шунингдек, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш борасидаги фаолиятда жамоатчиликнинг иштироки кучайтиришга ҳамда мазкур соҳада адолат тамойилини рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасининг 3-моддаси асосий тушунчалар қисмида ўсимлик дунёси объектлари белгиланган бўлиб, ушбу объектлар рўйхатига ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг қирилиб кетишига ҳамда мазкур соҳада адолат тамойилини рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

автомагистрал йўллар муҳофиза зоналаридаги ва қорхона, ташкилотлар атрофида ўсувчи дов-дарахтлар, маҳаллий ўсимликларни ҳам киритиш ҳамда уларнинг муҳофазасини мустаҳкамлаш зарур.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг 21-моддаси 2-қисмида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини, уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Табиий муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан берилган рухсатнома асосида йўл қўйилиши белгилаб қўйилмоқда.

Бизнинг фикримизча, бундай турдаги ўсимлик, ёввойиларнинг уруғларини республикамиз ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқишни алоҳида-алоҳида нормаларда белгилаш зарур. Чунки ўсимликларни олиб киришнинг ўзига хос талаблари, шунингдек, олиб чиқишнинг ундан ҳам кўпроқ талаблари бўлиши шарт. Бунинг учун биз Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга рухсатнома беришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқилиб, тасдиқланган тегишли хулосага ҳам асосланган лозимлигини киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Чунки, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ўсимликлари, уни қуқурроқ биладиган одамлари бор. Ана шундай одамлар ёки уларнинг вакиллари айнан маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидадир. Шу нуқтаи назардан, масала халқ

катимизда талайгина. Зеро, Ўзбекистонда ўсадиган ҳар қандай ўсимлик умумхалқ мулки бўлиб, давлат муҳофазасидадир.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг 31-моддаси 3-қисмида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши ҳақидаги нормада айнан ким масъул бўлиш масаласи очиқ қолган. Ушбу бўлиқни тўлдириш учун мазкур нормада келтирилган рўйхат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Табиий муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва халқ депутат-

**Ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан биз фуқароларда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишга доир масъулиятни янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жавобгарликни кенгайтириш ва кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари томонидан амалдаги қонуннинг 32-моддасини табиий омиллар ёки ўсимлик зараркунадалари, касалликлар таъсирида кучли зарарланиб қуриётган ёки қуриб қолган, шунингдек, инсон ҳаётига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкига хавф солаётган дарахт ва буталарни кесиб табиий муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра махсус рухсатномасиз ва тўловсиз амалга оширилишига оид норма билан тўлдириш тақлиф этилмоқда.

Бирок, “Демократик кучлар блоки” аъзоларининг ушбу тақлифи бу борада амалиётда юзага келаётган муаммоларга ечим бўла олмайдди. Сайловчилар билан яқинда бўлиб ўтган учрашувларда ўсувчанлигини юз фоиз йўқотган (қуриган) дарахтларни кесиб учун табиий муҳофаза қилиш органлари хулоса берсада, маҳаллий ҳокимиятлардан қарор олиш қийин кечатганлиги муҳокама қилишга сабаб бўлди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг ушбу нормасидан “маҳаллий

зими бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши хаволаки шаклда берилган.

Бизнинг фикримизча, қонун лойиҳасининг ўзида ушбу масалага аниқлик киритилган ҳолда бундай мониторинг тузилиши, мазмун ва уни амалга ошириш тартиби Табиий муҳофаза қилиш

Чунончи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш экологик хавфсизлик, аҳоли саломатлиги, табиий экотизимлар сақланиб қолишида долзарб ҳисобланади. Бу эса ҳар биримиздан мазкур масалага масъулият билан ёндашишни, табиат инъом этган жамики неъматларни авайлаб-асрашни, қадрлашни талаб этади. Ҳар биримиз она Ватанимиз — жаннатмақон Ўзбекистон билан, унинг гўзал ва бетакор табиати билан гурурланиб, ўз конституциявий фуқаролик бурчимизни англаб, инсоний фазилатларимизни намоен этиб, табиатга, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлсак ва уни авайлаб-асраш чораларини кўрсак, у ҳам бизни ўз неъматлари билан, албатта, сийлайди.

**Даврон ТАНГИРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси,**  
**Абдуқамол РАҲМОНОВ,**  
**Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари**

## Долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда»

Қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш жараёнида депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг янги тахрирда қабул қилиниши ҳозирги даврга қадар қонунчилик даражасида тўлиқ равишда тартибга солилмаган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш механизмларини қонун билан белгилаш заруратига боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таъсирчанлигини оширишга ва қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги қайд этиб ўтилди. Қонун лойиҳаси биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонлар генотипида комплекс равишда муҳофаза қилинишини таъминлашни назарда тутди.

Қонун лойиҳасида давлат органларининг ваколатлари аниқ кўрсатиб қўйилмоқда ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш юзасидан уларнинг вазифалари белгилаб берилмоқда. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқило-

на фойдаланишга қаратилган чоратadbирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этишига тааллуқли нормаларни мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли даражаларида унинг амалий муҳокама қилинишини ташкил этишга катта эътибор қаратилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида етакчи мутахассислар, олимлар, тегишли соҳалар амалиётчилари, фуқаролик институтлари вакиллари билан иборат бўлган, Қонунчилик палатаси кўмиталари ҳузурида ташкил этилган эксперт гуруҳлари аъзолари фаол иштирок этдилар. Бу эса қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир бир қатор тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди. Оммавий аҳборот воситаларида қонун лойиҳасининг муҳокамаи ташкил этилиб, муҳокама натижасини ёввойи муҳитга ва аҳамияти кенг жамоатчилик эътиборига етказилди.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаи парламент кўйи палатасининг Демо-



кратик кучлар блоки ва муҳолифатдаги фракциялари йиғилишларида ҳам бўлиб ўтди, йиғилишлар якунларига кўра, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан уларнинг нуқтаи назари шакллантирилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида нормаларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган қондалар имкон қадар батафсил баён этилган ҳамда хаволаки нормалар сони камайтирилган-

лиги биз учун аҳамиятлидир. — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси А.Маҳматмуродов. — Яъни, ушбу жараёнда фракциямиз томонидан илгари сурилган бир қатор тақлифлар инобатга олинди.

Умуман, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрири унинг нормаларини янгидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига му-

вофиқлаштиришга қаратилган. Қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш турлари ва усулларини аниқлаштириш, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар бериш чоғида рухсат этиш тартиб-таомилларини мукамаллаштириш, ушбу соҳада мониторинг ва назорат ўтказиш назарда тутилган.

Муҳокама давомида депутатлар кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асосга айланиши таъкидлаб ўтилди. Кўриб чиқилиш якунларига кўра, ушбу қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Мунозаралар якунига кўра, депутатлар ушбу қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар. Келиб тушган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул кўмитага топширилди.

Депутатлар мажлисида кун тартибидagi бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Сўнгра бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳа айрим қонун ҳужжатларини “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун нормаларига мувофиқлаштиришга қаратилган бўлиб, парламент назоратининг айрим шакллари амалга ошириш нормалари ва тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришни назарда тутди.

Илбс САҲАТОВ,  
«Адолат» мухбири

# Мустақиллик: эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш имкониятлари

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Ушбу қарашлар, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва гуманитар соҳалардаги ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётининг барқарор ва жадал раивожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси, унинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини изчил ошириб бориш учун мустақкам ва ишончли пойдевор яратди. Зеро, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириши, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг, айниқса, ННТларнинг, роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонуни ҳужжатлари қабул қилинган ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Улар сирасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги каби қонунилар, "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жа-

маниятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Олий Мажлис палаталари Кенгашининг қўшма қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари, бошқа қатор қонун ҳужжатлари кирди.

Яратилган ҳуқуқий асослар мамлакатда ННТларнинг эркин ва барқарор ривожланишига олиб келди. 1991 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра республикада 95 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, 2000 йилнинг 1 январига келиб, уларнинг сони 2585 та, 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра эса - 8417 тани ташкил этмоқда. Сўнгги 5 йилнинг ўзига мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 64,5 фоизга ошди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга ННТларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий Давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши орқали мамлакатни демократик қайта қуришдаги иштироки ошиб бормоқда. Хусусан, 2015 йилда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг алоҳида бандларини таъминлашда 612 ННТ иштирок этди. 2014 йил Давлат дастурини амалга оширишда республика миқёсидаги 27 та ва 370 тадан ортиқ ҳудудий ННТлар иштирок этган бўлса, 2015 йилда - республика миқёсидаги 36 та ҳамда 576 та ҳудудий ННТларнинг иштироки таъминланган (бу кўрсаткичлар 1997 йилдаги нисбатан 10 маротабадан ҳам кўп).

2015 йилда давлат бошқарув органларининг ННТлар билан

аҳолининг турли қатламларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, эркинлиги ва қизиқишларини таъминлаш бўйича ижтимоий ҳамкорликнинг институционал механизмлари тақомиллаштирилди. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи идораларо комиссиялар ҳамда улар фаолиятига жалб этилган ННТ фаоллари сони 50 тадан ошди. Бу эса, ўз навбатида, жойлардаги муҳим масалаларни ҳал этишда жамоат ташкилотларининг иштироки ортиб бораётганлигини кўрсатди.

ННТларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди орқали Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар муҳим аҳамият касб этди. Сўнгги 7 йил мобайнида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджети ҳисобидан жами 60 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Бинобарин, Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар миқдори 5 мартага ортиди - 2008 йилда бу кўрсаткич 2,1 миллиард сўми, 2015 йилда эса 10 миллиард сўми ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида, "учинчи сектор"га йўналтирилган давлат молиявий кўмаги ҳажмининг барқарор ўсиш суръатини далолат беради.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳар йили давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти шакллари-

да тақсимланади. Муҳими - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларидаги ННТларнинг сони сезиларли даражада ошди: агар 2014 йилда грант танловларида 421 та ННТ иштирок этган бўлса, 2015 йилда 528 та ННТ ўзларининг 819 та лойиҳалари билан иштирок этди. Бинобарин, ННТларнинг 177 та лойиҳаси грант танловлари қолиблари, деб топилди.

Умуман, 2015 йилда 66 та устувор йўналишни қамраб олган 6 та давлат гранти танловида жами 1 минг 31 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти 1 минг 201 та лойиҳа билан иштирок этди. Улардан ижтимоий аҳамияти юқори деб топилган 279 таси умумий қиймати 5,447 миллиард сўмлик грант билан молиялаштирилди.

Хулоса сифатида алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоат бирлашмалари, ННТлар бугунга келиб том маънода жамият ва давлатимизнинг барқарор тараққиёти, халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Ушбу ташкилотлар, авваламбор, фуқароларнинг миллий ўзлигини англаши, фуқаролик фаоллиги, сиёсий, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда жамият аъзоларининг юқсак маънавиятга эга бўлишига қўмаклашадилар. ННТларнинг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш, давлат ва ваколатли тизимлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мамлакатимизда демократик қадриятлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

**Шухрат ЯКУБОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ва Парламент комиссияси аъзоси

Биз учун энг улук ва энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик қутлуг санаси бутун мамлакатимиз бўйлаб, халқимиз томонидан муносиб қутиб олинаётган айни кунларда, мустақил юрт фуқароси ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар иштирокчиси, шу билан бирга, озод ва обод юртда фарзандлар улғайтираётган она сифатида, мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор ва имкониятлар бир-бир кўз ўнгимдан ўтади.

## Аёл қалби эзгуликка интилади



Асосий қонунимиз саналган Конституциямиздан тортиб, бир неча ўнлаб қонуналиримизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларимиз, бугун биз аёлларнинг, эрлар билан бир сафда туриб, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида жамиятнинг турли соҳаларида эмин-эркин меҳнат қилишимизга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақил давлатимизда инсон манфаатларининг олий қадрият даражасига қўтарилиши натижасида, мамлакатимиз гуллаб-яшнаши йўлида тер тўкаётган ҳар бир юртдошимизнинг меҳнатлари юқсак даражада қадрланиб, уларга давлатимиз томонидан улкан эътибор ва ҳурмат кўрсатишмоқда.

Истиқлол йилларида оналар ва болалар саломатлиги, оилалар мустақкамлигига эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бугун ўз самарасини бериб, юртимизда яшаётган ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг бахтли ҳаёт кечирishiга хизмат қилаётди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 10 минг нафардан зиёд опсингилларимиз тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, улардан 300 нафарга яқини фермер, 200 нафарга яқини хунарманд аёллар ҳисобланади.

Илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган 200 нафарга яқин олимпиадаларимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлашда фаол қатнашмоқдалар.

Айни пайтда жамиятимизнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатётган хотин-қизлар орасидан Олий Мажлис Сенатида 3 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида 4 нафар депутат, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесиде 12, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида 85 нафар депутат опсингилларимиз борлиги мустақиллик йилларида қорақалпоқ аёлларининг ҳам давлат ва жамоат ишларидаги фаолликлари ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, истиқлол йилларида мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойили асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва барқамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида сўз кетганда, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва орадан кўп ўтмай, яъни шу йили 1 июлда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий барқамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари оналар ва болалар саломатлигига, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган юқсак эътибор ва бекиёс ғамхўрликлар ифодаси сифатида яққол кўзга ташланади.

Албатта, ўз вақтида, буюк келажакни қўлаб қабул қилинган юқоридеги каби қатор қонунилар ва амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида юртимизда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдақлар ўлими 3,2 баробар, "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 мартадан ортиқ камайганлигини, бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоиздан ортиғи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келётганлигини мисол тариқасида келтириб ўтсак арийдим.

Шуниқдек, "Save the Children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўн та давлат қаторидан жой олганлиги мамлакатимизда она ва болага бўлган ғамхўрлик билан сиёсати даражасига қўтарилганлигининг яққол тасдиғи, "Биз кеча ким эдик бугун ким бўлдик?" деган ҳаётий саволнинг аниқ жавоблари десак, асло янглимаган бўламиз.

2016 йилга "Соғлом она ва бола йили" деб ном берилиши ҳам мамлакатимиз келажакни яратётган, ҳар бир онага ва бизнинг эзгу ишларимизнинг эртанги давомчилари ҳисобланган фарзандларимизга бўлган юқсак меҳр ва эътибор, катта ғамхўрлик ва имкониятнинг яна бир исботи эканлигини айни кунда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури негизда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли амалий ишларнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бугун табиат ато қилган юқсак истеъдодга эга қизларимиз кўксиде давлат мукофоти, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаоллик кўрсатишни мақсад қилган аёллар кўксиде сенаторлик, депутатлик нишонлари, жамиятнинг турли соҳаларида ўз меҳнатлари билан элу юрт фаровонлигига улуш қўшаётган опсингилларимиз кўксиде эса мустақил юртининг ордену медаллари — буларнинг барчаси мустақиллик берган эъзоз ва эхтиром тасдиғидир.

Мана шундай юқсак даражадаги эътибор ва имкониятлар биз аёллар қалбининг ободлигига хизмат қилмоқда десак, янглишмаймиз. Аёл қалбининг ободлиги эса, энг аввало, оила, сўнгра бугун жамият ободлигига асос бўлиши аниқ.

**Улбосин СЕЙТЖАНОВА,**  
халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари, педагогика фанлари номзоди, доцент

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида истиқлолнинг чорак асрлик тўйини муносиб қутиб олиш учун қизгин саёй-ҳаракатлар давом этмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Маэкур ҳужжат матбуотда эълон қилинган, кунёк партияимизнинг вилоят кенгашида шонли сана муносабати билан қилинадиган ишлар, ўтказиладиган тадбирлар режаси белгилаб олинди ҳамда алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Айни кунларда маэкур дастурни рўйбга чиқариш юзасидан изчил иш олиб боришмоқда.

Ҳар қуни кенгашда тузилган штаб шаҳар ва туманларда ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни тўплайди. Улар ўз вақтида таҳлил этилиб, фалоларимизга тегишли йўл-йўриқлар берилади. Вақт тақозоси билан кун тартибидан жой олаётган масалалар бўйича топшириқлар етказилади. Ҳар ҳафтанинг сешанба қуни ташкил этиладиган "Партия соати"да ҳам яна шу мавзуда фикр алмашамиз, янги вазифаларни белгилаймиз. Муҳими, шонли санани зўр тантана билан ўтказиш, истиқлол тудайли эришилган ютуқларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш учун барча имкониятлар ишга солишмоқда.

Президентимиз қарориде таъкидланганидек, "бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигини қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустақил тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганамиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда."

Бу фикрларни тасдиқлайдиган мисолларни қўлаб келтириш мумкин.



Охириги ўн бир йил давомиде мамлакат ялиги ички маэсулотининг ўсиш суръатлари саккиз фоиздан кам бўлмаё келатди. Бу жаҳондаги санокли давлатларгагина хос юқори кўрсаткич бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва салохияти тинмай ўсиб бораётганидан далолатдир.

Биз, партия фаоллари билан мамлакат мустақиллигининг 25 йиллигини пухта тайёргарлик билан қутиб олиш ва муносиб нишонлашга доир тадбирларни аниқ режа асосиде амалга оширмоқдамиз. Уларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бoш ғояни ўзиде мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарбия-бот-ташвиқот ишларига алоҳиде ўрин ажратилган. Уларнинг ижросини таъминлаш учун партияимиз фаолларидан, халқ депутатлари маҳаллини Кенгашлари депутатларининг имкониятларидан кенг фойдаланишни кўзда тутганимиз. Меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида, маҳаллаларда ўтказилаётган дара суҳбатлари, учрашув ва мулоқотларда, энг аввало, мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину динёнатимиз, ору номуслимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажакимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида бекиёс

шарт-шароитлар яратгани ҳақиде батафсил сўз юритилмоқда.

Фаолларимиз ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирларда кўтаринки руҳда, астойдил қатнашмоқдалар. Айниқса, ёш авлод вакиллари билан қўлаб учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда, хусусан, "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясининг самарадорлиги бутун дунё ахлини лол қолдирганлиги ҳақиде батафсил фикр юритилаёти. Наманган вилоятида бекиёс янглишиллар, одамлар дунёқарашиде ўзгаришлар рўй бергани, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ўсишлар таҳлилий ёндашувлар асосиде кўрсатиб берилмоқда.

Она днёримиз Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланиб, қудратли салохиятга эга, ўз халқининг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир давлатга айланди. Илгариги қолок, иқтисодиё-

ти бирёқлама ривожланган, пахта яккахоқимлиги халокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққиёт этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланди.

Республикамиз иқтисодий салохиятини барқарор ўсиб бораётганига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Яқинда қурилиши аяқланган "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўлини оёйлик. Мураккаб топ тизимларини кесиб ўтадиган, 19 километрдан зиёд тоннелни ўз ичига оладиган ушбу ноёб лойиҳа асосиде 123 километрдан зиёд масофага қўлаб излар ётқизилди. Хитойлик ҳамкорлар билан бунёд этилган маэкур замонавий коммуникация тармоғи Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли боғлаш имконини беради. Айни вақтда у Европа билан Осиёни бири-бири билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлининг энг муҳим бўғинига айланishi тудайли янада катта аҳамият касб этди.

Қисқа муддат мобайнида темир йўлда жами 285 та суный иншоот, 13 та кўприк барпо этилди ва сув ўтказиш қувурлари ўрнатилди, иккита вокзал, тўртта станция ва тўртта резёвёз ҳамда кўплаб бошқа объектлар фойдаланишга топширилди. Узунлиги 19 километрдан ортиқ туннель бунёд этилди. Бундай натижалар билан ҳар қанча фахрланасак арийдим.

**Олимжон МАҚСУДОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи

## ➤ "АДОЛАТ" КУБОГИ УЧУН

Ватанимиз тақдири, келажаги униб-ўсиб келаётган ёш авлодга ва бу навқирон авлод парвозининг икки қанотидаги жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда жисмоний ва маънавий комиллик тушунчалари муштарак мазмун касб этди. Бу бежиз эмас, албатта.

## СПОРТ — мустақкам соғлиқ гарови

Спортга давлат сиёсати даражасида қаратилаётган эътибор ёшларни нафақат жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, балки уларнинг қалбларида ватанпарварлик, ўз халқи, юрти билан фахрлилик туйғуларини, бугунги кунга ва келажакка бўлган ишончини мустақкамлашга хизмат қилади.

Ана шундай эзгу мақсад йўлида Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам ёш авлод вакиллари орасида турли лойиҳаларни, уларни соғлом ва баркамол шахс қилиб вояга етказиш, жисмонан соғлом ва маънан етук этиб тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Партиянинг мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва нишонлашга доир чора-тадбирлар режасига мувофиқ шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлган каби Самарқанд вилоятида ҳам "Адолат" социал-демократик партияси кубоги учун ҳаваскор жамоалар ўртасида минни-футбол мусобақаларининг шахар ва туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай мусобақалардан бири "Адолат" СДП Қўшработ туман кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда худуддаги маҳаллаларда тузилган жамоалар иштирокида ўтказилди. Қизгин ва мurosасиз курашлар остида кечган беллашувлар якунида "Қўрғон" МФЙ жамоаси голиб чиқди ва мусобақанинг вилоят босқичига йўланмани қўлга киритди.

Жойларда ўтказилаётган мусобақалар давомида минни-футбол бўйича туман ва шахар босқичларида голиб бўлган жамоалар вилоят босқичига йўланмани қўлга киритиб, ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланмоқда.

**Санъат Жўраев,**

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот котиби

## Голиблар аниқланди

### ➤ ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Юртимиз бўйлаб истиқлол шодиёналари шуқуҳи кезмоқда, шу кунларда ушбу қутлуг айём муносабати билан жойларда маънавий-маърифий тадбирлар бошлаб юборилган. Ҳар бир ватандошимиз юз-қўзида хурсандчилик, тақдирдан шукроналик туйғулари акс этмоқда. Айниқса, юртимиз келажаги бўлган ёшлар қалбидаги кўтаринкилик, ғурур ҳисси бекиёс эканини айтиш жоиз.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгашида бўлиб ўтган тадбир ҳам байрамон мазмун касб этди.



Жорий йилда партия Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари талабалари ўртасида партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида иншолар танлови ўтказилган эди. Танловнинг бош мақсади — иқтидорли ёшларни аниқлаш, партияимизнинг дастурий вазифаларини амалиётга татбиқ этиш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ватанпарварлик туйғуларини мустақкамлашга қаратилган.

Мазкур танловнинг Фарғона вилоят босқичи голибларини тақдирлаш маросимида ҳам шу ҳақда

сўз борди. Тадбирда вилоят партия кенгаши раиси Маъруфжон Холдаров барча иштирокчиларни улуғ байрам — мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан қизгин табриклаб, голиблар сафидан ўрин олган ёшларни қутлаб, партия тадбирларида янада фаол ва ташаббускор бўлишга чакирди.

Шундан сўнг она Ватанимиз таърифини ўз ишосида маҳд этиб, юкори натижаларни қўлга киритган иштирокчилар вилоят партия кенгашининг фахрий ёрликлари, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Натижаларда кўра, вилоят партия кенгашининг танлов бўйича масъул тахир хайъати аъзолари хулосалари асосида, танловнинг олий таълим муассасалари йўналиши бўйича 1-ўринни Тошкент тиббиёт академия-

си Фарғона филиали талабаси Дилмурод Исмоилов, 2-ўринни Фарғона политехника институти талабаси Даврон Тўхтаинов, 3-ўринни Фарғона политехника институти талабаси Элёр Маруповлар эгаллаган бўлса, касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида 1-ўринни Ойбахор Алижонов, 2-ўринни Азима Бокжонов, Зиёда Хамдамова, 3-ўринни Баходир Ганиев ва Нодира Мадалиевалар қўлга киритдилар.

— Мен икки йилдан буён Ўзбекистон "Адолат" СДП Беша-

рик туман кенгаши қошидаги "Ёш адолатчилар" қаноти аъзосиман, — дейди Элёр Марупов. — Партиянинг туманимиз микёсида ўтказилган турли тадбирларида иштирок этиб келаман. Партия томонидан ёшлар ўртасида иншо-лар танлови эълон қилинганини эшитганимда хурсанд бўлдим. Чунки иншо ёзиш менинг энг сеvimли машғулотларимдан бири. Ўз ишосимда инсон кадри, унинг туғилиб ўсган муқаддас туپроғи қиммати, элимизнинг фаровон хаёти, келажакдаги режаларим-ни имкон қадар ёритишга интилим ва голиблар сафидан ўрин олдим.

**Комила ИСРОИЛОВА,**  
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

## ➤ БИРГАЛИКДА ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ

Фуқаролик жамияти қуришда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларга нисбатан аҳолининг дахлдорлик ҳисси ошмас экан, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Эндиликда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги янада ўсиб, янги меъёрлар ҳамда қонунларнинг қабул қилиниши учун қулай имкон яратилмоқда.

## Қонунлар ижросини таъминлаш

### ҳаётимиз фаровонлигининг асосидир

Сайхунбод туман тиббиёт бирлашмасида партияимизнинг "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари" лойиҳаси доирасида "Қонунлар ижроси — ҳаётимиз фаровонлигининг асоси" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳақида сўз юритилди. Унда вилоят ҳамда туман партия кенгаши масъул ходимлари, "Аёллар қаноти", "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— Кейинги йилларда қатор қонунлар кўриб чиқилган бўлиб, улар давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли жабҳаларида ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган, — деди халқ депутати Сирдарё вилояти Кенгаши депутати Тўймурод Шарипов. — Жумладан, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонулар қабул қилинди ва улар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ишланган қонун ҳужжатларидир. Тадбирда иштирокчиларга янги қонунлар ҳақида батафсил маълумотлар беришга ҳаракат қилдик.

Давра суҳбати иштирокчиларига партия электорати манфаатларини янада самарали химоя этишга, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган қонунлар хусусида тушунча ва маълумотлар берилди. Хусусан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг музожатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

**Шухратжон ҲАСАНОВ,**  
Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП: МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ➤ ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш ҳамда манфаатларини химоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

## Жамиятнинг етакчи кучи

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Урганч шахар бўлини маси ҳамкорлигида "Хотин-қизлар — жамиятнинг етакчи кучи" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Партиянинг "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият" лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда шахардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаол хотин-қизлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари иштирок этдилар.

Тадбирни "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Урганч шахар бўлини масининг хотин-қизлар ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича бош мутахассиси М.Божонов кириш сўзи билан очди. Давра суҳбатида бугунги кунда сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этаётганлиги таъкидланди. Айниқса, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки тобора кенгайиб бораётганлиги, хусусан, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи хотин-қизлардан иборат эканида ҳам ўз ифодасини топган.

Иштирокчилар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллигини ошириш, уларни ўйлангирётган мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда сиёсий партияларнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ижобий самара беришига эътибор қаратишди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Урганч шахар бўлини маси қошида ўн беш нафар маслакдошимиз бирлашган бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилаётгани ҳам тадбирда эътироф этилди.

**Манзура НАЗАРКУЛОВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари

## Сайловчилар билан мулоқотлар мавзу — мустақиллик самаралари

### ➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Халқ депутатлари Зарафшон шахар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи фаолиятида тарғибот ишлари айна пайтда ҳар қачонгидан ҳам қизгин тус олган. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя мазмун-моҳиятини фуқаролар онг-шуурига чуқурроқ сингдириш депутатлик гуруҳи аъзоларининг диққат марказида бўлмоқда.

Шу мақсадда шахардаги корхона, ташкилот ва муассасалар, маҳаллаларда турли тадбирлар, учрашув ҳамда суҳбатлар ташкил этиляпти. Ўзаро мулоқотларда мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ишларни мисоллар билан таъкидлаш, уларнинг ҳаётбахш самаралари хусусида сўз юритилмоқда.

Шаҳардаги "Наврўз" маҳалласида бўлиб ўтган байрамолди тадбири ҳам шу мавзуга бағишланди.

— Миллий истиқлол халқимизнинг улкан ютуғи, демократик ислохотларнинг қоғолатидир, — деди депутатлик гуруҳи аъзоси Садриддин Бозоров. — Мустақиллик ўз тақдирини эгаллик қилиш ҳуқуқи, маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таъйинб яшаш ҳамда юртимиз бойликларида халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини йўлида фойдаланиш имконияти эканлиги бугунги кунда барчамиз аниқлаётган ҳақиқатдир.

Депутат ана шу ҳақиқатни мустақиллик йилларида "Дўстлик" орденли "Навоий кон-ме-

таллургия комбинати" давлат корхонаси томонидан босиб ўтилган тараққиёт одимлари мисолида кўрсатиб берди. Жумладан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, Мурунтов қонди энг замонавий технологияларни жорий этиш, учинчи ва тўртинчи гидрометаллургия заводларини қуриб, ишга тушириш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортди. Бу, ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринларини яратиб имконини берди. Шу йилнинг ўзида ҳам Зарафшон саноат касб-хунар коллежларининг 150 нафар битирувчисига марказий қон бошқармаси бўлини масида иш-лаш учун йўланма берилди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Эркин Давлатовнинг "Қончилар" маҳалласида сайловчилар билан ўтказган байрамолди мулоқотларида ҳам ана шундай ёрқин мисоллар ҳақида сўз юритилди. Истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан маънавиятдек буюк қадриятнинг енгилмас куч сифатида илгари сурилганлиги ўз мевасини берган-

лиги, бугунги кунда замонавий фикрлайдиган, дунёқараш кенг ва миллий истиқлол ғоялари руҳида камолга етаётган ёшлар тимсолида юртимиз келажакини тасаввур этиш, бундай дорилармон қунарларнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш, тинчликдек тенгсиз неъматни эъозлаш ҳақида депутат фикр-мулоҳаза юритди.

— "Адолат"чи депутатлар, жумладан, Замира Ибрагимова томонидан ташкил этилаётган бундай учрашув ва суҳбатлар катташчиларга манзур бўляпти, — дейди "Ёшлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Гулжон Алишбекова. — Унинг истиқлол йилларида мамлакатимизда қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш борасида эришилган натижалар, дунё эътирофига сазовор бўлаётган ютуқларимиз хусусидаги таҳлилий фикрлари барчаннинг эътиборини жалб қилди.

Ҳа, мамлакатимизда 25 йил мобайнида босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан марралар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур билиш ва замондошларимиз онгига сингдириш, фуқароларда истиқлол туғайли эришилган натижаларни ҳис этиб яшаш ҳамда мустақиллигини асраш ҳиссини кучайтириш ҳозирги даврада муҳим аҳамият касб этади. Бунга зараршонликлар тобора теран аниқлаб етишяпти. Бунда халқ депутатлари Зарафшон шахар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳам хиссаси катта бўляпти.

**Олим ХҲҲАЕВ,**  
"Адолат" муҳбири

## ➤ КЕЛАЖАК БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ

Нукус шаҳридаги "Ёш авлод" болалар оромгоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Келажак бизники, марра бизники" шиори остида спорт мусобақаси ва маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

## Болалар шодлиги оламни безар



Тадбир Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти ташаббуси билан Нукус шахар маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида партияимизнинг "Ватан келажак йиллари" ижтимоий лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Учрашув аввалида оромгоҳ тарбияланувчилари билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқор Кенгеси депутати Н.Мирзамуратов ва партия фаолларининг "Ким эдику ким бўлди!" мавзусида очик мулоқоти бўлди.

Мулоқот давомида тадбир ташкилотчилари мамлакатимизда 25 йил давомида қўлга киритилган ютуқлар, ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида болажонларга маълумот бериб, уларнинг она Ватан, мустақиллик тўғрисидаги дил сўзларини тингладилар.

Шундан сўнг тарбияланувчилар ўртасида шахмат-шашка ва стол теннис мусобақалари ўтказилиб, голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар кўнгилларини янада хушнуд этди.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

# СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР —

## инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили

### ► “АДОЛАТ” ШАРҲИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминловчи ҳуқуқий тизим яратилди.

Чунинчи, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликка риоя этиш ҳамда ҳимоя қилиш борасида зарур ташкилий-ҳуқуқий шароит ва кафолатларни яратди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 8 та конституциявий қонун, 15 кодекс ва 600 дан зиёд қонун қўлланилмоқда, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Қонунчиликнинг фаол ривожланиб бораётган йўналиши — ҳужалик юриштиринг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмни яратишдан иборат бўлмоқда. Яъни иктисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва иктисодий эркинлик борасидаги ваколатлари, ҳуқуқлари белгилаб берилган қонунлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасидаги қорхоналар тўғрисида”, “Кооперация тўғрисида”, “Дехкон хўжалиги тўғрисида”ги, “Хўжалик жамиятлари ва шир-

катлари тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Яна бир муҳим вазифа, Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормаларини яратиш билан боғлиқ бўлди. Бир қатор халқаро пактлар ва битимларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимизнинг ташқи алоқалари ривожланиши тарихида янги саҳифа очди.

Истиқлол йилларида инсоннинг ишончли конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларини ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган қонунларнинг қабул қилинишига асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, суд тизими мустақил ва бошқа тармоқларга боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида шакллантирилди. Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вужудга келди. Суднинг ҳуқуқ доираси кенгайди.

Жумладан, 1994 йили Жиноят кодекси қабул қилинганида 13 та моддада жазо чораси сифатида ўлим жазоси кўзда тутилган эди. 1998 йили бу жазо



тури жиноят кодексининг 5 та моддасидан олиб ташланди. Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони асосан, 2008 йил 1 январидан мамлакатимизда жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилиши бутун дунёда катта акс-садо берди. Бу борадаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этиб, жаҳон тенденцияларига тўла мос келади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар хусусида сўз юритганда, Ўзбекистонда ўтган қиска давр мобайнида яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси муваффақиятли ҳал этилганига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Судлар ихтисослаштирилиб,

аниқроқ айтганда, фуқаролик, жиноий ва хўжалик ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилиб, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Судьяларнинг мустақиллиги ва ҳуқуқий кафолатлари тизимининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонуни ҳужжатларида мустақамлаб кўйилди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “судьяларнинг мустақиллиги” тушун-

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, одил судловнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, судларнинг мустақиллигини, масъулиятини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, ушбу муҳим соҳадаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Феруза МУҲИТДИНОВА,  
юридик фанлари доктори

# Хуқуқий масъалат

— Ҳукумат портали ишга тушганидан хабардор-миа. Лекин порталнинг вазифалари, ундан қандай фойдаланишни яхши билаймиз. Шу тўғрисида маълумот берсангиз.

А.Мамадалиев, Фарғона вилояти

— Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали (www.gov.uz) интернет тармоғидаги асосий ва расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади.

Ҳукумат портали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишга туширилган.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг функционал жараёни ва тартибини қўллаб-қувватловчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг электрон ҳамжиҳатлик инфратузилмасининг тизимини ташкил этувчи қисм ҳисобланади.

— Ҳукумат порталдан фойдаланувчиларга қандай қулайликлар яратилган?

Ф.Норқобилов, Қашқадарё вилояти

— 2015 йилда Ҳукумат портали тўлиқ янгилаб бўлиб, унда фойдаланувчилар учун бир қатор қулайликлар яратилган. Жумладан:

- Ҳукумат порталнинг қораллоқ тилидаги кўриниши ишлаб чиқилган;
- Ҳукумат порталнинг мобил иловаси ишлаб чиқилган;
- имконияти чекланган шахслар учун овоз жўрлиги, шрифтни катталаштириш, хира кўрувчи шахслар учун ёрқин кўринишлари ишлаб чиқилган;
- олдинги версияга қараганда кўплаб янги бўлимлар очилган ва долзарб маълумотлар жойлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур портал ҳар бир фойдаланувчи учун кенг қамровли ахборот олиш имконини яратди. Хусусан,

Ҳукумат портали орқали Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар;

республиканинг давлат тузилиши таркиби, республикани бошқаришнинг давлат, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий институтлари тўғрисидаги маълумотлар;

ташкilotларнинг фаолияти, шунингдек, тузилмаси, функциялари, вазифалари, ваколатлари ва алоқалари тўғрисидаги маълумотлар;

ташкilotларнинг ҳуқуқий ҳолати, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ёки олиш шартлари, шакллари, бланкалари, тартиби ва тартиботлари тўғрисидаги маълумотлар;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатилмайдиган интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотлар;

ташкilotларда ва давлат ахборотлаштириши соҳасида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши тўғрисидаги маълумотлар;

мамлакатдаги муҳим воқеалар тўғрисидаги маълумотлар, фотоархив, ташкilotларнинг турли тузилмаларидан ва давлат ҳокимияти органларидан олинган тадбирлар ҳақидаги маълумотларнинг қисқача мазмуни ва бошқа долзарб турдаги маълумотларни қулай олиш имконияти яратилган.

Саволларга Адлия вазирлиги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази бўлим бошлиғи Жанболот БАЛТАБАЕВ жавоб берди.

— Суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг ўз адвокатларига эга бўлиши, исталган вақтда улар билан учрашиб, ёрдам олишларига оид қонун нормалари ҳақида маълумот берсангиз.

О.Мамадиев, Тошкент вилояти

— Мамлакатимизда маҳкумларнинг юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Хусусан, Жиноят-ижроия кодексининг 10-моддасига мувофиқ маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан ҳоли учрашиши имконияти маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи хоҳламаганлиги сабабли ҳимоячининг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан ҳоли суҳбатлашганидан кейин тасдиқланиши керак. Бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вақили томонидан имзоланади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари сони ва муддати чекланмайд.

Бундан ташқари, мазкур моддада адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши борасидаги ҳуқуқлари қайи этилган. Унга кўра адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг, прокурорнинг, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш;

- жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятдан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш.

Хуршид УМАРОВ,  
Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Саволга адвокат Акбар ҲАБИБУЛЛАЕВ жавоб берди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва қорхоналари диққатига!

## «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УК

2016 йил манзилли қурилиш рўйхатида киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманида жойлашган БНҚИЗ қўриқлаш хизмати ҳарбий шаҳарчасидаги 3-сон турар-жой биносини реконструкция қилиш» (2-босқич)

Бюртмачининг бошланғич қиймати — 2 742 662 620 сўм (ҚҚС билан), 2 285 552 180 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2017 йил 1 март.

Қурилиш ишлари «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УКнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Бюртмачи: «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УК. Манзили: Қоровулбозор тумани, Мустақиллик кўчаси, 1-уй. Тел: (8-365) 364-45-56, факс: 364-45-50.

Талабдор сифатида иштирок этаятган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишига керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларнинг мажмулига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объекта ўхшаш объектларда ишлаганилик тажрибаси ва қўнимчаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинди: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинмади.

Танлов савдосида қатнашиши ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Тақлифлар (оферталар) охириги аниқ кунини ва соатини талабдор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

# МУРОЖААТЛАР

## ижобий ечим топмоқда

### ► ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Шу йилнинг февраль ойида Фарғона вилояти адлия бошқармасига Тошлоқ туманидаги “75-сонли автокорхона” масъулияти чекланган жамияти раҳбари П.Ахунжановдан шикоят ариза келиб тушди. Ариза-чи “Фарғонаазот” акциядорлик жамияти томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаётганидан норози бўлган.

Шундан сўнг П.Ахунжановнинг мурожаати адлия бошқармаси масъул ходимлари томонидан батафсил ўрганилди. Аниқланишича, “75-сонли автокорхона” МЧЖ ва “Фарғонаазот” АЖ ўртасида транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан шартнома имзоланган. Шунга кўра,

аҳолини инобатга олган ҳолда 219 339 000 сўм асосий қарз билан 11 216 000 сўм пеня, жами 235 559 000 сўм ундириш тўғрисида хал қилув қарори қабул қилди.

Албатта, бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Шунини алоҳида таъкид-

манфаатлари ҳимоясини ишончли таъминлаш ва шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш борасида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқоридаги қонуннинг 4-моддасида мурожаатлар овозки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Электрон мурожаат эса қонунчилигимизга киритилган янгиликдир. Шу боис бундай мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида ва қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши кераклигини эслатиш ўринли.

Агар рақамлар билан гапирсак, жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида вилоят адлия бошқармасига жисмоний ва юридик шахслардан 390 та ариза ва шикоятлар, ҳукумат портали орқали эса 19 та мурожаатлар келиб тушган. Шундан 312 таси хал этилган.

Бундан ташқари, адлия бошқармасида 63 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, хусусан бошқарма бошлиғи, унинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ходимлари томонидан қабул қилинди. Ўтказилаётган қабулларда нафақат жисмоний ва юридик шахслар-

нинг мурожаатлари хал этиляпти, балки уларга янги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳам батафсил тушунтириб борилаётган.

Эътироф этиш керак, адлия органларида ташкил этилган “Ишонч телефони” ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг ишончли таянчига айланган десак, асло муболага бўлмайди. Қўштепа тумани “Файз” ҚФЙда яшовчи фуқаро Расулжон Нўмонжоновнинг мурожаати ҳам шулар жумласидандир. Р.Нўмонжонов Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га сим қоққач, унинг бузилган ҳуқуқи тикланди. Гап шундаки, Расулжон тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, яъни чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ТИФ Миллий банкнинг Марғилон филиалига 10 000 000 сўм миқдорда кредит сўраб мурожаат қилган. Мазкур ариза кредит бўлиши бош мутахассиси Дилшод Раимбердиев томонидан қабул қилиб олинган. Аммо кредит ажратишни суъний равишда кечиктириш мақсадида мурожаатни тегишли тартибда расмийлаштирмаган. Шу боис банк филиалига қонунчилик ҳолатини баргаф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Оқибатда Д.Раимбердиев “хайфсан” интизомий жазосига тортилди. Энг муҳими, Р.Нўмонжоновга имтиёзли кредит ажратилди.

Бундан ташқари, адлия бошқармасида 63 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, хусусан бошқарма бошлиғи, унинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ходимлари томонидан қабул қилинди. Ўтказилаётган қабулларда нафақат жисмоний ва юридик шахслар-

Бир сўз билан айтганда, бу йўналишда амалга ошираётган ишларимиздан кўзланган мақсад битта — қонун устуворлигини таъминлашга эришиш ҳисобланади. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган, инсон омили олий қадрият саналган жамиятда тараққиёт ҳам бардавом бўлади.

### ! Расулжон тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, яъни чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ТИФ Миллий банкнинг Марғилон филиалига 10.000.000 сўм миқдорда кредит сўраб мурожаат қилган. Мазкур ариза кредит бўлиши бош мутахассиси Дилшод Раимбердиев томонидан қабул қилиб олинган. Аммо кредит ажратишни суъний равишда кечиктириш мақсадида мурожаатни тегишли тартибда расмийлаштирмаган.

автокорхона томонидан шартномавий мажбурият тўлиқ бажарилиб, транспорт хизмати кўрсатилган. Аммо “Фарғонаазот” АЖ 224 339 000 сўмлик хизмат ҳақини тўлашни пайсалга солиб келган. Вилоят адлия бошқармаси томонидан мазкур қарзни ундириш юзасидан вилоят хўжалик сарфлари даъво ариза киритилди. Суд “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятининг молиявий

лаш лозимки, 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунини адлия органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, тадбиркорлик субъектлари, хусусан бошқарма бошлиғи, унинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ходимлари томонидан қабул қилинди. Ўтказилаётган қабулларда нафақат жисмоний ва юридик шахслар-





ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Айни кунларда жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолининг 25 йиллик тантаналарини муносиб кутиб олишга ҳар бир жабҳада астойдил тайёргарлик кўрилатгани каби «Асака» акциядорлик-тижорат банкининг Тошкент шаҳар филиали жамоаси томонидан ҳам ушбу энг улуг, энг азиз байрамни муносиб кутиб олиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Банк филиали томонидан инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш орқали рақобатбардош, ички бозор ва экспортга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган миқдорларга, хорижий ҳамкорларга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сифатли банк хизматларини кўрсатиш йўлида самарали фаолият юритилмоқда.

Банк филиали томонидан хўжалик юртычи субъектлар, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш борасида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонларнинг бажарилишини таъминлаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётининг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришнинг таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Шунинг билан олган ҳолда, юртимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Республикамиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, янги ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитални иштирокидаги улушни изчил ошириш мақсадида 2015 йил 15 майда Президентимиз томонидан «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни илғомчи ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирларини тўғрида»ги Фармон қабул қилини.

ши ишбилармонлар ва тадбиркорлар фаолияти ривожланиши учун янада катта имкониятлар яратди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида қўрилатган чора-тадбирларда «Асака» банкининг Тошкент шаҳар филиали ҳиссаси ҳам ошиб бормоқда.

Кичик бизнес вақилларига, ёш тадбиркорларга филиалнинг малакали мутахассислари маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

2016 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк филиали кредит портфели ҳажми қарийб 192,0 миллиард сўми ташкил этди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардан иборат.

Филиал томонидан жорий йил биринчи ярми мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 77,7 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағлар Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш қўламли кенгайтириш, шаҳар иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтиришга хизмат қилиши ва қолверса, мамлакатимиз куч-қудратини оширишга муносиб улуш бўлиб қўйилиш баробарида, ушбу сармоялар эвазига қўшимча қўллаб-қўйиш иш ўринлари яратилиб, шаҳардаги ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминландилар.

Банк филиали томонидан аёллар тадбиркорлигини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун 3,5 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 16,0 миллиард сўм, озиқ-овқат ва нозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни қўлайитириш ва ички бозорни тўлдирish мақсадида 31,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генофондини яхшилаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган, дейди пойтахтимизнинг Олмасор туманида фаолият кўрсатаятган «NEW LIFE MEDICAL» хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёр Ходжаев. — Амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида юртимизда оналар ва болалар сало-



матлик кўрсаткичлари яхшиланиб бораёпти. Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган «Соғлом она ва бола йили»да аҳолига янада сифатли ва тезкор тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида молиявий кўмак учун «Асака» банкига мурожаат этдик. Банк ҳодимларининг мурожаатимизни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, хорижда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий ускуналарни олиш учун узоқ муддатли кредит маблағларини ажратиш бўйича қарор қабул қилди. Ҳозир клиникамизда қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда. Клиникамиз ишга туширилгандан сўнг оналар ва болаларга, шунингдек, шахримиз аҳолиси ва меҳмонларига тезкор равишда тиббий диагностика, лаборатория таҳлили, консултация ва даволаш каби хизматлар кўрсатиш имконияти пайдо бўлади. Шу билан биргаликда 20 та янги иш ўринлари яратилади. Бизга кўрсатилган молиявий мадад учун «Асака» банк ҳодимларига миннатдорчилик билдирамыз.

Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги биз, тадбиркорларга катта имкониятлар яратмоқда, дейди Яккасарой туманида фаолият юритаётган «GRAMPUS» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Санжар Мухаммадқасимов. — Бизнинг корхонамиз ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида кредит олиш учун «Асака» банкига мурожаат этдик. Банк кредитлари ҳисобига замонавий, кам электр энергияси сарфлайдиган, тежамкор ускуналар олдик. Бу эса бизга истеъмолчилар талабига мос келадиган кенг турдаги болалар ва аёллар кийим-кечақлари ишлаб чиқариш имконини берди. Мазкур лойиҳани амалга оши-

риш натижасида корхонамизда 15 та иш ўрни яратилди. Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имтиёزلардан самарали фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд. «Асака» банкининг Тошкент шаҳар филиали мутахассислари касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган турли анжуманлар ва тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар, ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топирилмоқда. Ҳозир маданият ва маърифат саройи»да ўтказилган анжуманда «Диплом билан бизнес фойда» лойиҳаси доирасида битирувчиларга, уларнинг бизнес роляларини ҳаётга татбиқ этиш учун молиявий кўмак бериш мақсадида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топирилди.

Биз, касб-хунар коллежлари битирувчиларига яратилган имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида молиявий кўмак

сўраб «Асака» банкига мурожаат этдим, — дейди Тошкент ахборот технологиялари коллежи битирувчиси, «Multimix Building» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, ёш тадбиркор Фаррух Сулаймонов. — Банк томонидан қисқа муддатда имтиёзли шартларда ажратилган кредит ҳисобига лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилдик. Ҳозир республикамиз ва шаҳримиздаги корхона-ташкилотларга ҳамда савдо дўконларига сифатли лак-бўёқ маҳсулотлари етказиб бормоқдамиз. Асосийси, 20 га яқин иш ўринлари яратилиб, ўзимга ўхшаган коллеж битирувчилари иш билан таъминланди. Шунинг билан айта оламанки, «Асака» банк кредитлари биз каби тадбиркорлик йўлини тутган ёшларга катта имкониятлар эшигини очмоқда. «Асака» банкининг молиявий кўмагида мулкдор бўлиб, жамиятда ўз ўрнимизни топаёмиз. Шунинг учун ҳам биз хизматларидан маннунмиз.

Жорий йилда банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 140,0 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, «Асака» банкининг Тошкент шаҳар филиали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилаётган банк маҳсулотлари ва хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва банк амалиётлари тезкорлигини янада ошириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган. Банк филиали истиқболли лойиҳалар, ғоялар устида тинимсиз изланиб, миқдор эҳтиёжи учун мақбул ва қулай бўлган хизмат турларини кенгайтириб бормоқда. Бу эса уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, Тошкент шаҳар иқтисодиётини ривожлантириш ва турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ўз самарасини бермоқда.

Банк материаллари асосида «Adolat» муҳбири Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.

ИНШОЛАР ТАНЛОВИГА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ёш авлод тарбиясига боғлиқ ислохотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурининг қабул қилиниши, таълим соҳасида қилинган бунёдкорлик ва фидокорона меҳнатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон ёшлари дунёнинг ривожланган давлатларидаги тенгдошлари билан бемалол баҳслаша оладиган, мамлакатимиз байроғини баланд кўтариб, юрт гурурини ҳимоя қиладиган ҳақиқий келажак эгалари бўлиб улғаймоқда.

Мен «Адолат»га аъзман

Хар бир ёш авлод қалбида қуртқак ёзган истеъдод гунчаларининг гул очиб, баланд парвозларга қанот ёзиши учун юртимизда барча имконият эшиклари очилди.

Мана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўзларининг Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини теран ҳис этган юртимиз ёшлари бугунги кунда илм-фан, спорт, маданият ва адабиёт каби ҳаётнинг турли соҳаларида юксак қалабаларга эришиб келмоқда.

Энг аввало, яратилган бебаҳо имкониятлар, аниқ мақсад йўлидаги изланиш ва тинимсиз меҳнатлар хар бир инсон боласини бахту саодатга йўлга етаклаши аниқ.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришган, ёшларни ҳар томонлама етув, меҳнатсевар ва фидойи, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш масаласида давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Юртимиз таълим даргоҳлари йилдан-йилга замонавий архитектура кўринишига эга бўлиш билан, дунё стандартлари даражасидаги асбоб-анжомлар билан таъминланаётган. Барча талабаларга жавоб берадиган ахборот-ресурс марказлари ўқувчи ва талабаларнинг энг сеvimли масканига айланган. Интернет, компьютердан фойдаланиш қўникмаларини мустахкам эгаллаганимиз билим олиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида ёшлар тарбияси, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, интеллектуал қобилиятга эга, инновацион фикрлайдиган ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси диққат марказида эканлиги биз, ёшларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Мен ҳам «Ёш адолатчилар» қанотининг турли тадбир ва семинарларида иштирок этиб, ўз истиғи билан партия сафига қўшилган кўп сонли истиқдорли талабалардан бириман ва бундан доимо гурурланаман.

Ўтган йиллар давомида ўқиб ва жамоат ишларидаги фаоллигим, илм-фанини чуқур эгаллаш йўлидаги изланишларим туфайли Беруний номидаги давлат стипендиеси соҳибин бўлдим.

Ўқиб билан биргаликда партия ҳаётига доир фикр ва мулоҳазаларим акс этган мақолаларим республика ва маҳаллий ОАВда ҳам чикиб борибди.

Партияимизнинг Нукус шаҳар кенгаши фаоллари мени 2014 йилда тадбирлардаги фаол иштироким, ёшлар ўртасида «Адолат» СДПнинг дастурий ғояларини тарғиб қилишдаги ташаббускорлигимни ҳисобга олиб, Нукус шаҳар кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилигига тавсия қилди. Кўп сонли партиядош тенгдошларимнинг қўллаб-қувватлаши билан етакчи бўлиб сайландим.

Айни кунда, Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус шаҳар кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти сафида 600 га яқин аъзолар бор, улар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида тиббиёт ва таълим, ишлаб чиқариш ва маданият соҳаларида меҳнат қиладиган, олий ва ўрта маҳсул таълим даргоҳлари илм сирларини пухта эгаллаётган навиқор авлод вакиллари ҳисобланади.

Мустақиллик биз, ёшларга ўз тарихимиз ва миллий кадрларимизни эмин-эркин ўрганиш, эркин фикрлаш ва ижод қилиш бахтини ҳаёда этганлиги билан аҳамиятли.

Юртимизнинг кўп миң сонли ёшлари қаторида давлатимиз томонидан яратилаётган катор имконият ва раҳбарликлардан самарали фойдаланиб, таълим ва тарбия олаётганлигимдан бахтиёрман.

Келажакда азиз Ватанимиз довуғини илм-фандаги изланишларим орқали бутун дунёга таранум этиш орқали ўз фарзандлик бурчимни бажаришим даркор.

Сабаби, биз жаҳон илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Бердақ ва Ажнийёз каби юзлаб алломаларни дунёга келтирган муқаддас замиш ёшларимиз.

Президентимиз мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Мен чет эллик сиёсий арбоблар, катта ишбилармонлар билан учрашганда, улар бизнинг фарзандларимиз ҳақида ҳавас билан «Ёшларингизнинг кўзи ёниб туради», деган фикрни кўп эшитаман. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда Ватани, халқи учун курашга бел боғлаган, софидил, иродали мустахкам ёшларнинг қўзлари ёниб туради», деб таъкидлаган эди. Бу пурмаъно, гурурбахш сўзларни хар гал ўқир эканман, ана шундай ёшлар сафи кенг эканини чуқур ҳис этишдан қувонаман, ўзим ҳам шу сафда ишжоят, билим ва салоҳиятимни намоеъ этишга астойдил интиламан.

Айни кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон ёшлари ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини таъминлашда иштирок этиб, ушбу жараёнда ўзларининг бефарқ эмасликлари, хар жабҳада фаоллигини кўрсатиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, хар бир йилп-кунинг сиёсий ислохотлардан хабардор бўлиб, ўзи дастурий ғояларини маъқул деб билган сиёсий партияга бирлашиб орқали мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиш мамлакатнинг бутуни, келусидаги ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

Шундай экан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий мақсад деб билган, Ўзбекистоннинг келажак инновацион фикрлайдиган ёшлар қўлида деб ҳисоблайдиган Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлганимдан фахрланаман.

Марс БЕРДИБАЕВ, Қорақалпоқ давлат университети техника факультети 3-босқич талабаси

Конфуций ҳикматлари

— Олижаноб одам хавфсизликда ҳам хаттарини, тўқаникда ҳам йўқчилиқни унутмайди. Тартиб ҳукм сурган пайтда тартибсизликлар бўлишини назардан қочирмайди. Бундай одам зинҳор хавф остида қолмайди, демаски, унинг Ватани ҳам, халқи ҳам бехатар.

— Моддиётнинг ортида эъгулик ниш урмоғи учун беш нарса кифоя: кўнгил кенглиги, самимият, шиддат, яхшилик ва жиддийлик.

— Ўз хатоларингни тан олишдан уялма, акс ҳолда улар жиноятга айланади.

— Интиқомга тарадудланишдан аввал икки қабрни ҳозирлаб қўй.

— Ҳар бир ҳилқатнинг ўз гўзаллиги бор, бироқ ҳар ким ҳам уни кўра олмайди.

— Жароҳатларни унут, лек зинҳор яхшиликни ёдиндан чиқарма.

— Кимки исрофни билмаса, азобни билур.

— Эшитдим — унутдим. Кўрдим — эслаб қолдим. Бажардим — тушундим.

— Билимсизлик — инсоният учун энг қоронғу тундир.

— Ҳаракатдан-ку дея эмакламоқ — бу ҳаракат эмас.

— Эркаклар табиати ўхшаш, уларни фақатгина одатлари ажратиб туради.

— Биз учун энг катта ҳузур — уйқуда эмас, ҳар тонг уйғонишдадур.

— Олий одамнинг нутқи сокин, ҳаракати жўшқин бўлади.

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гаъфар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖУРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ, Таъабт МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибиёт — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Кабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

Навбатчи муҳаррир — Саодат Содиқова, Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Таҳрират маъноси: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй. info@adolat.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

«Шарқ» НМАК босмахонасида chop этилди. Корхона маъноси: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қовоғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700. Адаби — 6636. Босишга топширилган вақти — 21.45. Босишга топширилди — 22.30. Баҳоиси келтирилган нарха



1 2 3 5 6